O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 18 март, шанба • №22 (11.207) • Эркин нархда сотилади

# ОНА ЮРТИМ, НАВРЎЗ МУБОРАК!



*Наврўзни табиатнинг зардўзи, дегим келади. Чунки Наврўз ўзи билан олам жаҳон янгилик, гўзаллик, яхшилик, илиқлик, шодликни бошлаб келади. Қадим-қадимлардан бери шундоқ: Наврўз илк баҳорда, осмон булутлари сийраклашиб, оқаришиб, қуёшга йўл очган паллаларда келади. У келиши билан гиёҳлар униб чиқиб, чор атрофни духобага қоплайди. Дарахтлар уйғониб, куртак отади, мажнунтоллар кокил ташлаб, қизалоқларга сочпопук улашади. Боғлар теваракка анвойи ҳид таратади. Қиш бўйи ер остида яшириниб ётган илиқлик юзага ўрмалаб чиқади. Бир сўз билан айтганда, шу уйғониш онларида кундуз билан тун тенглашади. Куннинг 12 соати кундуз, 12 соати тун билан қолади-да!*

Ана шу лаҳзадан Наврўз – Янги кун бошланади. Ана шу Янги кундан Янги йил бошланади. Бинобарин, Наврўз Янги йилнинг янги куни демакдир.

Қадимда Наврўзни, тунни кунга тенглаб, Янги йилни бошлаб келган гул баҳордир табиати, янгилашдир хосияти, деб таърифлаганлар. Табиатни уйғотиб, тўрт томонни яшнатиб келган бу кунни шаҳарларда Янги йил сифатида байрам қилганлар, қишлоқларда эса, далага қўш чиқариш, зироат уруғини сепиш, кўчат ўтқазиш маросимлари шаклида тантана қилганлар.

Деҳқонларнинг бундай тантанали маросимларини ёш болалик чоғимда кўп кўрганман. Деҳқон оилалари бола-чақалари билан қир-адирлар бағрига чиқиб, қозон осиб, таом пиширардилар. Биз болалар, ёшлар адир, қир, жилғалардан бойчечак, чучмома, ялпиз, жағ-жағ териб келардик. Оналаримиз улардан кўк сомса, кўк чучвара пишириб берардилар. Тушликдан кейин деҳқонлар йиғилганлардан фотиҳа олиб, ерга омоч солар эдилар. Шу билан деҳқончиликнинг ҳам янги йили бошланиб кетарди.

Наврўз кунлари қишлоқ аёллари тўпланишиб, ҳалпана билан дошқозонларда тонг отгунча сумалак пиширардилар. Нима учун сумалак? Чунки сумалак ундирилган буғдой кўкидан пишириларди. Аввало у энг яхши дармондори бўлиб, уни таомил қилган кишини қиш вазиятидан баҳор вазиятига олиб кирадиган мезоний омил, қолаверса, баҳорги ёмғирни чақирувчи ният тимсолидир. Ҳар ҳолда, сумалак ҳар жиҳатдан инсонга фойдали бўлиб, Наврўзнинг ҳусни, чиройи ҳисобланади.

Қишлоқларнинг марказларида тантаналар давом этарди. Уч-тўрт киши маҳаллалардан пул йиғиб, жонлиқ сўяр, катта қозон остириб шўрва, палов пиширардилар-да, кўпчиликка дастурхон тузардилар. Ўткинчи, йўловчилар ҳам даврага чақирилиб, меҳмон қилинар эди.

Кейинчалик мен Тошкентда яшаган вақтларимда ҳам маҳаллалардаги Наврўз байрамларида иштирок этганман. Қозон-қозон сумалак пиширилиб, катта дастурхонлар ёзилиб патир, сомса, қатламаю турли-туман пишириқлар тортилиб, шоду-ҳуррамлик давралари қурганларнинг гувоҳи бўлганман. Бироқ совет даврида Наврўзни "дин байрами" деб эълон қилиб, уни бекор қилдилар. Бу ўта нодонлик эди. Сабаби ҳақиқатни билмас, тарихни тан олмас эдилар. Аслида Наврўз Ислом дини пайдо бўлмасдан анча замонлар аввал дунёга келган ва у табиатнинг мезони, йилнинг янги фасли бошланиши, яъни омма кўзи олдида, Янги йил бошланиши эди. Халқ бу санани косиблар иш режимини мутаносиблаш, деҳқонлар далага қўш чиқариш маросимлари билан боғлаб байрам қиларди. Чўрткесар большевиклар халқимизнинг бу яхши одатини қоралаб, қарғишга қолдилар.

Юртимиз мустақилликка эришуви билан мамлакатимизга Наврўз байрами яна қайтиб келди. Келганда ҳам бутун бўйи-бастию салоҳияти ва қадим маънавияти билан янгиланиб келди. Бу йилги Наврўз балоғатга етган, камол топган анъанавий байрам сифатида шодиёна қилинади.

Бу йилги Наврўз тамомила ўзгача бўлиб, у мустақиллик, озод ва эркинлик, миллий уйғониш кўзгусидир. Бу улуғ баҳор айёмига шаҳар ва қишлоқларда зўр тайёргарлик олиб борилмоқда. Тошкент шаҳри яшил либос ичида, кўркам бинолари жилоланган ҳолда, халқ ижодиёти гуркираган вазиятда Наврўзни кутмоқда. Ҳар уйда сумалак қайнаяпти, ҳар кўчада шодлик, бирдамлик ва ҳамкорлик ҳукм сурмоқда. Наврўз муносабати билан ночорларга иқтисодий мурувват кўрсатиш ўн кунлиги эълон қилинган. Наврўз шодиёнаси ҳеч кимни четлаб ўтмайди.

Тошкент вилояти далалари дув тўкилган қордан қутулиб, яшил либосда анвойи нафас олмоқда. Буғдойзорларда бўлажак хирмонга дон ва тандирларга нон берадиган ҳосил яшнаб, гуркираб ўсмоқдаки, кўзлар қувонади. Боғ-роғлар чирой очмоқда, мевали дарахтлар пардоздан бежирим товланмоқда. Кузда шудгорланган ерлар аста-секин етилиб, пушта олинишига тайёр. Далаларнинг шохариқлари, зовурлари ҳаёт сувини қабул қилишга ҳозир турипти. Замонавий улов — ҳайдов тракторлари, экиш агрегатлари атайлаб Наврўз байрамига бел боғлагандай хизматга шай бўлиб, саф тортиб турипти. Бу йилги Наврўзнинг чиройи ва хосияти ана шунда.

Бу йилги Наврўзнинг "Соғлом авлод йили" билан кириб келганининг хосияти ҳам жуда бебаҳодир. Бу йилги Наврўз байрами Қурбон ҳайити шодиёналарининг давомидай. Байрам байрамларга уланиб кетиши билан қадрли, салобатлидир. Бундан буён ҳар кунимиз Наврўз бўлсин, дегим келади.

***Иброҳим РАҲИМ,***
***Ўзбекистон халқ ёзувчиси.***

## ЖИЛМАЙИБ КЎРИНДИНГ...

*Деразамни очсам, соҳибжамолдай,*
*Жилмайиб кўриндинг, Наврўзи олам.*
*Нафасинг муаттар, қошинг ҳилолдай,*
*Чорбоғим тўрида мунис, мукаррам.*

*Сени мен интиқиб кутдим йил бўйи,*
*Табиат сепини ёйди йўлингга.*
*Гўёки бошланди коинот тўйи,*
*Зеби-зийнатини берди қўлингга.*

*Бир ухлаб уйғонсам, гуллади гилос.*
*Ёмғир сув сепгандай бўлди юзингга.*
*Офтоб офтоб эмас, ёнди эҳтирос,*
*Булут тўрин тутди нурли кўзингга.*

*Сен келдинг гўзалим, тоғу тош оша,*
*Чўлу саҳроларни ортда қолдириб.*
*Еллар чопқиллади сенга эргаша,*
*Ғунчалар лабида нағма чалдириб.*

*Олтин водий очди бағрини сенга,*
*Осмон тўла юлдуз ёнди чарақлаб.*
*Хассос таржимондай кўриндинг менга,*
*Кўнглим китобини бир-бир варақлаб.*

*Туйғу тўлқинида тенги йўқлигинг,*
*Қалбимга солди-ку яна ғашликни...*
*Аммо дилбарлигинг, кўркинг, шўхлигинг,*
*Қайтариб бергандай бўлди ёшликни...*

***Рамз БОБОЖОН,***
***Ўзбекистон халқ шоири.***

## ТИНЧЛИК БОҒИ

Тошкент вилоятидаги Р. Шредер номли боғдорчилик, Узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ҳудудида Наврўз байрами арафасида тинчлик боғига асос солинди. Бу тадбир "ЭКОСАН" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси томонидан уюштирилди. Мазкур тадбир жамғармининг "Соғлом авлод йили"га бағишланган тадбирлари ва мамлакатимизда эълон қилинган экология ва саломатлик кунлари дастури доирасида ўтказилди. Боғнинг дастлабки кўчатларини ўтказишда республикамиз жамоатчилик ташкилотлари фаоллари, 30га яқин хорижий давлатнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари, республикамизда фаолият кўрсатаётган бир қанча халқаро ташкилотлар ваколатхоналари бошлиқлари иштирок этди.

***А. ИВАНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ПИЛЛАЧИЛИКНИНГ ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ИПАКЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***Пиллачиликнинг мавжуд озуқа базасини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантириш, шу асосда пилла етиштиришни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат ер ресурслари қўмитаси, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган вилоятлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тутзорларини "Пилла-холдинг" холдинг компаниясининг туман пилла тайёрлаш ва уни қайта ишлаш корхоналарига тажриба тариқасида узоқ муддатли ижарага берсин.

Бунда ижара ҳақи ундириш ер солиғи ставкаси миқдорида белгилансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятлари бўйича 2000-2005 йилларда пилла етиштирувчи хўжаликларда ўз маблағлари ҳисобига тут қаторлари ва тутзорлар барпо этиш бўйича топшириқ уларнинг кўкариб кетишини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда 2000 йилда пилла тайёрлаш топшириғи белгилансин.

3. Белгилансинки, "Ўзбек ипаги" уюшмаси пиллачилик хўжаликларининг қишлоқ хўжалик ерларидан асосан тут уруғлиги ва экиш материали етиштириш, пиллачиликнинг озуқа базасини барпо этиш мақсадида тут дарахтлари ўтказиш учун фойдаланиши керак.

"Ўзбек ипаги" уюшмасига пиллачилик ва пиллакашлик корхоналари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кўрсатиб ўтилган ер майдонларида тут дарахтлари экиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тут дарахтлари сақланиши ва уларнинг маҳсулдорлиги оширилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига талабчанликни оширсинлар, Ўзбекистон Республикаси давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Ўзбек ипаги" уюшмаси билан келишмасдан тут дарахтлари асоссиз равишда қўпориб ташланишига йўл қўювчи раҳбарлар ва шахсларни жавобгарликка тортсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё тадқиқотлари республика маркази ҳамда "Ўзбек ипаги" уюшмаси Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2000-2001 йилларда тут парвонасини қириб ташлаш ва уни тўлиқ йўқотиш ҳамда тарқалишига йўл қўймаслик юзасидан профилактика чора-тадбирларини амалга оширсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбек ипаги" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси билан келишган ҳолда:

ҳар йили бўлажак пилла тайёрлаш мавсумида пилланинг навлари бўйича чекланган шартномавий нархлар юзасидан тавсияларни ишлаб чиқсинлар;

пилла етиштирувчи хўжаликлар билан ҳисоб-китобларни пилланинг амалдаги, стандарт бўйича аниқланадиган нав таркибини ҳисобга олган ҳолда шартномавий нархларга қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширсинлар.

7. Белгилансинки:

пилла етиштирувчи хўжаликлар пиллани ички бозорда улар томонидан "Ўзбек ипаги" уюшмасининг пилла тайёрлаш ва пиллакашлик корхоналарига маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятлар бажарилгандан кейингина сотишлари мумкин;

республикага импорт бўйича касалликка чалинган ва сифатсиз ипак қуртуруғи келтирилишига йўл қўймаслик мақсадида улар "Ўзбек ипаги" уюшмасининг Ўзбекистон Ипакчилик илмий-тадқиқот институти хулосаси берилгандан кейин олиб келинади.

8. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов ва Ҳ. Олимжонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 март.

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

***АВВАЛО, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида 2000 йил Наврўзини ҳар томонлама муносиб кутиб олиш ва қизиқарли ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилганини айтиб ўтмоғимиз жоиз. Минглаб одамлар ҳашарларда қатнашиб, кўча ва хиёбонларни, йўл четларини ораста жойларга айлантирдилар, "Кўчат эккан икки бора яшайди", деган нақлга амал қилган ватандошларимиз мевали ва манзарали дарахтлар экиб, хиёбонлар барпо этдилар.***

***Эрталабданоқ таҳририятимиз телефонлари тиним билмай жиринглай бошлади. Улар ўтажак байрам нашидаси ҳақидаги муждалардан бизни огоҳ этишарди.***

### БЎКА

• ТУМАН марказидаги ўйингоҳда спорт мусобақалари — бокс, футбол, миллий кураш бўйича баҳс давом этади. Бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари дилларни яйратади. 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун катта байрам дастурхони ёзилади. Дастурхонга турли ноз-неъматлар, анвойи таомлар билан бирга Наврўз туҳфаси — сумалак ҳам тортилади. Байрам куни хушовоз хонанда Ғиёс Бойтоев бўкаликлар меҳмони бўлади.

### ТОШКЕНТ

• ТУМАНДАГИ барча маҳаллаларда сумалак сайли ўтказилади. Дастурхонларни Наврўз таомлари безайди. Пазанда онахонларимиз, опахонларимиз ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Келес шаҳридаги Охунбобоев номли марказий ўйингоҳда барча ҳаваскорлик жамоалари махсус тайёрланган концерт дастурларини намойиш этадилар.

### ҚИБРАЙ

• МУСТАҚИЛЛИК майдонидан байрам тантаналари ўтадиган марказий ўйингоҳгача бўлган оралиқда савдо ярмаркалари жойлашади. Пазандалар ширин-шакар ноз-неъматлари билан, тадбиркор ва ҳунармандлар эса ўз маҳсулотлари билан хизматда бўлишади. 12та фуқаролар йиғини фаоллари ўзларига ажратилган махсус жойларда байрам дастурлари билан иштирок этадилар. Айниқса, "Карвон бозори" қурилиш моллари дўкони раҳбари, саҳоватпеша инсон Ботир Толипов вилоят ногиронлар меҳрибонлик уйида 200 кишилик дастурхон ёзиб, олти нафар ногирон боланинг суннат тўйини ўтказиши нафақат Меҳрибонлик уйи тарбиячиларини, барча қибрайликларни ҳам хушнуд этмоқда.

### ОЛМАЛИҚ

• 21 МАРТ КУНИ шаҳардаги марказий ўйингоҳда байрам шодиёналарининг асосий қисми бошланади. Кўпдан-кўп дўконлар, умумий овқатланиш корхоналари байрам иштирокчиларига бажонудил хизмат кўрсатишади. Қўшни туманлардан ташриф буюрган бободеҳқонлар олмалиқликларга арзон нархларда сотиш учун турли-туман ноз-неъматларни олиб келишади.

Шаҳардаги маданият саройларида катта концерт дастурларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Шаҳар бўйлаб дилрабо куй ва қўшиқлар кун бўйи янграйди.

### ОҲАНГАРОН

• ШУ КУНИ маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда тўкин дастурхонлар ёзилиб, эл-юртга ош тортилади. Хайрия тадбирлари ўтказилади. Шаҳар бўйлаб халқ сайллари давом этади. Марказий майдонда эса болалар учун катта концерт дастурлари уюштирилади.

### АНГРЕН

• ШАҲАРНИНГ марказий ўйингоҳида ўтадиган байрам сайлига 20 минг киши таклиф этилган. Наврўзни спорт мусобақаларисиз, куй-қўшиқларсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Миллий кураш бўйича ўтказиладиган беллашувлар ғолибларини қимматбаҳо совғалар кутади. Шаҳардаги 5та қўрғонда халқ сайллари, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари режалаштирилган.

### ЯНГИЙЎЛ

• ҚУТЛУҒ байрамга шаҳар аҳли февралнинг дастлабки кунлариданоқ катта тайёргарлик кўриб қўйган эди. Шаҳардаги кўчалар, маҳаллалар ободонлаштирилиб, ораста қилинган. Йўл четларига ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар экилган. Ўтказилган хайрия тадбирларига Биохимия ишлаб чиқариш корхонаси 280 минг сўм улуш қўшди. Шаҳар ногиронлар жамияти эса 29 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини 15та кам таъминланган оилаларга туҳфа этди. Янгиланиш, яратиш, бунёдкорлик кўлами кенг қулоч ёйганлигини бу ерда ўтадиган халқ сайли тантаналаридан ҳам билса бўлади.

### БЕКОБОД

• ШАҲАРДАГИ Маданият ва истироҳат боғида ўтадиган байрам сайли эрталаб соат 10.00да бошланади. Майдон ўртасига ўрнатилган саҳнада эса санъаткорлар ўйин-кулгини авж олдирадилар. Анъанага мувофиқ Наврўз дастурхони ёзилиб, турли-туман ноз-неъматлар, кўкатлардан тайёрланган тансиқ таомлар билан бир қаторда сумалак, ҳалим ҳам тортилади. Кечгача ўйин-кулги ва спорт мусобақалари давом этади. Шунингдек, "Цементчи" ўйингоҳида катта спорт байрами авжига чиқади.

* * *

**НАВРЎЗ тантаналарига бағишланган кўнгилочар кечалар, халқ сайллари, спорт ва маданий-маърифий тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам бўлиб ўтади.**

## БАЙРАМГА МАРҲАМАТ!

**Юқоричирчиқ туманидаги вилоятимизнинг марказий "Дўстлик" ўйингоҳида**

**Бугун соат 12.00да "Наврўз" айёми муносабати билан вилоятнинг катта санъат во спорт байрами тантаналари ўтказилади.**

**Байрамона безатилган ўйингоҳда шу куни иштирокчилар республикамизнинг таниқли санъат усталари ва вилоятимиз бадиий ҳаваскорларининг катта концерт дастурини ва 1999 йилги республика чемпиони, вилоятимизнинг "Дўстлик" футбол жамоаси ҳамда Зарафшон шаҳрининг "Қизилқум" жамоалари ўртасидаги 2000 йил чемпионатининг дастлабки учрашувини томоша қиладилар. Байрам дастуридан бошқа қизиқарли тадбирлар ҳам ўрин олган.**

**"Дўстлик" ўйингоҳида ўтадиган катта санъат ва спорт байрамига марҳамат!**




# Саҳоват, саодат, эзгулик демак, Яшариш, яшнатиш ишқида юрак



*Тинчлик*

## ҚАНОТЛАРИ ОППОҚ МУБОРАК ҚУШИМ

***Тарихнинг гувоҳлик беришича, Искандар Мақдуний лашкарлари билан Сайхун соҳилларига етиб келибди. Тун ўтиб, эрта сахарда қараса дарёнинг у бўйида ажаб ҳол: гулханлар ёқилган, созлар чалинган, дошқозонлар қурилган, одамлар ўйин-кулгу билан банд.***

"Ёпирай, ўйлабди буюк саркарда, душман шундоққина биқинида турса-ю, бу не ҳолат? Ёки ҳийлами?" Мақдуний шу заҳоти чопар жўнатибди. Чопар кечга томон ғалати хабар билан келибди: "Наврўз деган байрам шодиёналари экан бу. Бир неча кун давом этармиш. Қабила оқсоқоли бу байрам илк бор қачон бошланганини айтолмади. Илдизлари жуда ҳам қадим, деди. Сизни ҳам тантанага чорлаяпти". "Биз урушгани келганмизку!" хитоб қилибди Искандар. "Наврўз байрамида адоватлар унутилиб, душман дўст бўлиб, урушлар барҳам топар экан. Келсин, дўст бўлиб қолайлик, урушдан не наф, дейишди". "Во ажабо, – ўйлабди Искандар, – ўз қадрини, удумини, бунчалар улуғлаган халқни енгиш мушкул"...

Орадан неча минг йиллар ўтди. Дарёлар гоҳ қуриди, гоҳ ўзанини ўзгартирди. Не-не давру-давронлар кечди. Не-не салтанатлар емирилди, янгилари бунёд бўлиб, шон-шуҳратга ўралди. Наврўзни йўқ қилмоқчи бўлиб, тош отганлар, унга бу айём ножоиз деб тамға босганлар ҳам ўтдилар. Лекин Наврўз, Наврўзни ардоқлаган одамларнинг зурриётлари барҳаёт яшаяпти. Наврўз одамларнинг янги кун ҳақидаги боқий орзуси сифатида ҳамиша ёш, ҳамиша навқирон.

Тоғликларда бир удум бор: икки эркак урушиб қолса, аёл киши келиб уларнинг оёғи остига рўмолини ташласа бас. Жанжал ўша заҳоти тўхтайди, икки эркак қиёматли дўст бўлади. Назаримда, ўзбек элининг зулфизар Баҳори – Наврўз эса шу аёлнинг омонлик, поклик, тинчлик ато этувчи, меҳр-муҳаббат улашувчи рўмоли. Бу рўмол силкиниши билан олам эзгуликка тўлади, одамлар дилида мурувват уйғонади, оқибат, садоқати жўш уради.

Ватанимизнинг истиқлоли Наврўзнинг оппоқ қанотларини ростлаб, яна кенг ёзиб юборди. У бугун бепоён самода парвоз этиб, барчамизни инсофга, диёнатга, аҳилликка, фидойиликка ундамоқда. Энг қувончлиси ушбу миллий, беназир байрамимиз мустақилликдан кейин тинчлик, муборак дийдор, биродарлик, саховат ва саодат шодиёнасига айланиб кетди. Президентимиз И.Каримов айтганларидек: "Ёруғ келажак сари интилаётган халқимизнинг меҳнати билан юртимиз кун сайин обод бўлмоқда. Жамиятимиз янгиланиб, тафаккуримиз ўзгариб бормоқда. Меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби фазилатлар одамларимиз фикру зикридан мустаҳкам ўрин олмоқда".

Наврўзи оламнинг шукуҳини Ватанимизда барча бирдек сураяпти. Дошқозонларда қайнаган сумалакнинг ўчоғига уйғур ҳам, рус, корейс ҳам ўт қалаяпти. Тожик, қозоқ, қирғиз, туркман онахонлар ҳам кайвони момоларимиз билан бирга сумалак кавлаб, термалар айтяпти. Сулув қизларимиз эртанги янада ёруғ келажагимиз ҳақида ойдин орзулар қилаяпти. Одамлар бир-бирини сен кимсан, деяётгани йўқ. "Омонмисан, Наврўзга тўрт кўз тугал, соғ-саломат етказганига шукр", деб бир-бирини бағрига босаяпти. Бугун Ангренда, Намданакда, Сангданакда, Бекободда, Баландчақирда, Чинозда, Оҳангаронда, Чирчиқда, Товоқсойда, Оқтошда қўйингчи – вилоятимизнинг ҳамма бурчагида шундай бўляпти.

Наврўз асрий қадриятларимизнинг муқаддас китоби, буюк меросидир. Энг эзгу хислату фазилатлар жамланган ушбу табаррук айёмнинг ҳаётимизга қанчалар сингиб кетганини жаҳон кўриб, билиб турибди. Бу мерос ҳамиша ардоқда, кўз қароғимизда асрашга муносиб!

**Темур УБАЙДУЛЛО.**



*Яшариш*

## УЙҒОНИШ

***Уйғониш, яшариш, янгиланиш, яратиш... Бу тушунчалар Баҳор, Наврўз билан боғлиқ. Зеро, уйғониш бутун йил давомида, йилнинг тўрт фасли мобайнида бир марта юз беради. Бу кун Фалакдан Заминга илиқлик ёғиладиган пайтга тўғри келади. Аллоҳнинг иноятн бўлмиш бу илиқлик Замин бағрини иситиб, қиш уйқусидан уйғотади.***

Замин эса ўз навбатида табиатни, яъники, бутун жонзоду мавжудотни уйғотади. Авлод-аждодларимиз бу мўъжизавий воқеага бир ибора билан "Ҳамал кирди – амал кирди" дея таъриф беришган. Бунинг маъноси шундаки, то ҳамал кирмагунча деҳқон ерга қадаган ёки қадайдиган экин-тикин амалга кирмайди.

Ҳамал кириши – Наврўз яъни Янги кун, янада аниқроғи Йилбоши туғилишига ишора. Табиатда юз берадиган бу янгиланиш одамлар қалбига кўчиб, ўзгача иштиёқ уйғотади, янги куч-қувват бахш этади, далаларга чорлайди, экин-тикин ишларини бошлашга, борлиқни яшнатиш ва яратишга ундайди. Деҳқон қўш қўшади, даласига отланади, яхши ният, эзгу мақсад билан ерга ризқ-рўз уруғини сочади. Кузда уюлажак баракали хирмон орзуси унга байрамона кайфият бахш этади.

Наврўз – ҳам меҳнат, ҳам байрам. Яратувчан меҳнат билан уйғунлашиб кетган эзгу орзу-умидлар байрами. Ундан ҳеч ким четда қолмайди. Зеро, Янги кунни ҳалол меҳнат, яхши ният билан қарши олиш – шарқона одат.

Наврўзни меҳнат байрами дедик. Ҳа, шундай. Меҳнат билан бошланади асли Йилбоши. Маълумки, ҳар йили кўкламги дала ишлари мевали ва бошқа керакли дарахт кўчатлари экишдан бошланади. Айниқса, бу йилги мавсум ўзгача тус олди. Чунки, бевосита вилоят ҳокимининг ташаббуси билан "Тошкент–Чиноз", "Тошкент–Олмалиқ", "Тошкент–Бекобод", "Бектемир-Чирчиқ–Ғазалкент" автомобиль йўллари четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида мевали ва манзарали дарахт ҳамда турфа гул кўчатлари экиш режалаштирилди. Бугунгача 3100 туп мевали ва 4 минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Сабзавоткорлар Наврўзни далада кутиб олмоқдалар, десак муболаға бўлмайди. Ҳозиргача 270 гектар ерга карам, 140 гектар майдонга картошка экиб бўлинди. 160 гектарга сабзи сепиб қўйилди. Тўқсонбосди экинларни ўтдан тозалаш, ўғит бериш, суғориш давом этмоқда.

Боғ ва токзорларда ҳам иш қизғин. 25 минг гектар мевали боғларнинг 18 минг гектаридаги дарахтларга шакл бериб бўлинди. 11 минг гектарда қатор оралари юмшатилди. 11,5 минг гектар токзорнинг 9,5 минг гектари кесилиб, симбағазларга кўтарилмоқда.

Пахтакорлар ҳам тараддудда. Бу йил 108 минг гектар майдонга чигит қадалади. 10 минг тонна, яъни заҳираси билан уруғлик чигит тайёрлаб қўйилган.

Хуллас, Йилбоши – Наврўз келиши билан қишдан толиққан вужудларга оройишу осойиш қайтади, кўнгиллар тозаланиб, яшаради, руҳ янгиланиб, руҳият кўтарилади. Кайвони кексаларнинг қўллари беихтиёр дуога очилади: "Қадаминг қутлуғ келган бўлсин Йилбоши – Наврўз! Жамики яхшиликлар, эзгуликлар элу юртимиз ҳаётига эшу йўлдош бўлғай, иншооллоҳ!"

**Самад ЙЎЛДОШ.**



*Саховат*

## КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

***Одамнинг одамийлиги бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, мурувват, ҳамдардлиги билан белгиланади. Ҳамиша-ҳамрўз эзгу ишларга эш бўлиб, ҳаётимиз, турмуш тарзимизнинг мазмунини бойитиб келган бу фазилатларнинг илдизи қадим-қадимдан нишонланиб келинаётган Наврўз байрамига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам биз бу байрамни эъзозлаймиз, интиқиб кутамиз.***

Уни нишонлар эканмиз, энг аввало, инсоннинг, биринчи навбатда ногиронлар, қаровчисиз қолганлар, ночор одамларнинг қадр-қимматини жойига қўйишни ўйлаймиз. Ана шу руҳ, ана шу кайфият, ана шу ният бу йилги байрамда ҳам тўлалигича ўз ифодасини топмоқда. Буни ҳис этмоқлик учун амалга ошириладиган ишлардан бир шингил келтирайлик. Маълум бўлишича, бу йилги Наврўз байрами муносабати билан вилоятдаги 60 мингдан ошиқ ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга маҳаллий бюджет ва ҳомийлар ҳамда ижтимоий таъминот тизими ҳисобидан турли хил моддий ва амалий ёрдамлар кўрсатилади.

Айниқса, Тошкент туманида бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда: олдиндан ҳар бир маҳаллада яшовчи ногиронлар бирма-бир ҳисоб қилиб чиқилди, уларнинг истаклари, талаблари эътиборга олинди. Шу жараёнда айримларнинг турар жойлари янгиланди, таъмирдан чиқарилди. Ҳайит ва Наврўз байрами арафасида 150 кишига ёрдам пули берилди. 200 кишига эса 350 минг сўмлик озиқ-овқатдан қарашилди. Шунингдек, 80 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уларнинг уйларига элтиб берилди. Хўжаликлар ҳам ўз имкониятларидан келиб чиқиб, саховатларини аямаяптилар. Хусусан, байрам арафасида мол сўйилиб, 100га яқин ногиронларга гўшт тарқатилди.

Ўндан ортиқ ногиронларга эса республикамизнинг турли сиҳатгоҳлар, дам олиш уйларида соғлиқларини тиклаб келишлари учун йўлланмалар берилди.

Ёшликдан ногирон бўлиб қолган Зумрад Муҳиддинова, ногирон Мурод Ҳайитов аравачани орзу қилар эдилар. Наврўз куни улар ниятларига етадилар. Уларга ҳар бири 112 минг сўмдан турадиган аравача совға қилинади.

Шунингдек, ногиронларга қўлтиқтаёқ, хасса, эшитиш аппаратлари ва бошқа зарур воситалар ҳам берилади.

– Бу йилдан бошлаб, – дейди Навоий номли маҳалла оқсоқоли Эркин Ғуломов, – Наврўз байрамини нишонлаш янгича маъно касб эта бошлади десам, янглишмаган бўламан. Одамларнинг кўз ўнгида ош дамлаб, дастурхон тузаб, қарияларни эъзозлаб, тўрга ўтказиб қўйиш, ҳар хил совға-саломлар улашиш, айниқса ногиронларга ҳаётий зарур воситаларни туҳфа этишнинг аҳамияти катта. Буни кўрган ёшлар ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб оладилар. Бизнинг жамиятда инсон қадри ниҳоятда юксаклигига ишонч ҳосил қиладилар. Узоқ вақтгача бундай ҳимматдан таъсирланиб юрадилар. Маҳалланинг ҳам ота, ҳам оналиги шунда эмасми?!

Буни қарангки, бу йилдан бошлаб масжидлардан тушадиган хайрия эҳсонлари ҳам маҳаллага берилмоқда. Бу имкониятдан фойдаланиб, эзгу ишларни яна ҳам кенгайтирамиз. Бу ҳам Наврўзнинг шарофатидир.

**Носир РИХСИЕВ.**



*Бунёдкорлик*

## ҲАММАСИ АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Қутлуғ Наврўзни таърифлашаётганида талай пурҳикматли сўзлар қаторида бунёдкорлик сўзини ҳам ишлатишади. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳақиқатан ҳам қадим замонлардан бу удумимиз янгиланиш, меҳр-мурувват, айни вақтда яратувчилик айёми бўлиб келган. Шу ажойиб анъана ҳамон давом этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин у янги мазмун, янгича моҳият касб этди.***

Ҳа, шонли айёмимиз арафасида бунёдкорлик ишлари доим авж олади. Шу пайтда вилоятимиз шаҳарлари, қишлоқлари, қўйингки, мўъжазгина аҳоли манзилгоҳларига ташриф буюрган ҳар бир киши ана шундай бунёдкорлик ишининг гувоҳи бўлади. Ҳамма жойда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш қатори бунёдкорлик ишлари ҳам олиб борилади.

Жорий йилда ҳам шундай бўлди. Шаҳарлар ва туманларда янги-янги маъмурий бинолар, мактаб-боғчалар, уй-жойлар, аҳолига турли хил хизмат кўрсатадиган муассасалар қад кўтарди. Шу туфайли шаҳар-қишлоқларимизнинг кўрки янада очилди.

Вилоятимиз бўйича қатор гузарлар, ўнлаб озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари, хўжалик буюмлари билан савдо қилувчи дўконлар, бир нечта чойхона ва ошхоналар фойдаланишга топширилди. Автосервислар аҳолига хизмат қилишни бошлаб юборди. Ўндан ортиқ маиший хизмат кўрсатувчи шахобчалар ишга тушди. Автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари, автобекатлар барпо этилди. Бундай иншоотлар тури шунчалик кўпки, уларни бирма-бир санаб ўтиш анча мушкул. Айниқса, газ ва ичимлик сув тармоқларининг, уй-жойларнинг қурилиши айни муддао бўлди. Шундай иншоотлар вилоятимизнинг Бўстонлиқ, Пскент, Зангиота туманлари ва Бекобод шаҳрида бунёд этилди. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, бу катта-кичик иншоотларнинг ҳаммаси аҳолига хизмат қилишга, демак, унинг фаровонлигини оширишга, турмуш шароитларини яхшилашга, ёрдам беради.

Вилоятимиздаги бирорта шаҳар ёки туман йўққи, унда шундай иншоотларнинг жилла қурмаганида бир тури фойдаланишга топширилмаган бўлсин. Айниқса, Зангиота туманида бу соҳада анчагина ишлар амалга оширилди. Унда гузар, қатор дўконлар, чойхона, ошхона, автомобилга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, дорихона ва бошқа шу кабилар фойдаланишга топширилди. Бекобод шаҳрида қатор уй-жойлар бунёд этилди. Бўстонлиқ туманида эса тикувчилик цехи маҳсулот бера бошлади. Тошкент туманида спорт клубини барпо этиш ишлари деярли тугади. Бекобод туманида бирйўла 3та тегирмон қуриб битказилди. Оҳангарон шаҳрида 7та дўкон, чойхона, қаҳвахона ва 2та автосервис фуқароларга хизмат қилишга ҳозиру нозир бўлиб турибди. Пскент туманида эса битта гузар, 50 ўринли ошхона, автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, новвойхона қад кўтарди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси байрам арафасида аҳолига хизмат кўрсатувчи иншоотлар қурилиши кенг кўламда олиб борилганлигидан далолат беради. Бу эса Наврўзга хос хусусиятдир. Албатта, бундай хайрли ишлар йил давомида узлуксиз давом этишига ишончимиз комил.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ.**



*Эътибор*

## ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

***Қишлоқни қоқ иккига бўлиб Сирдарёнинг кичик ирмоқларидан бири Қумариқ ҳайқириб оқади. Наврўзи оламнинг илк куртаклари бўлмиш ялпизлар атрофга бўй таратади. Ана шу сўлим каналнинг сўл қирғоғида дов-дарахтлару, баланд-баланд сўритоклар билан ўралган чойхона қад кўтарган.***

Оқ яктак устидан қарға шойи тўн кийиб олган чойхоначи йигитларнинг қўли-қўлига тегмайди. Тўрдаги қалин кўрпачалар тўшалган чорпояда уч-тўрт нафар қариялар чой хўплаб, гурунглашадилар.

Мен уларнинг кўпчилигини танимайман. Қўллари меҳнат туфайли қадоқ бўлган, кўпни кўриб, кўпга кенгаш бера оладиган, ўғил уйлаб, қиз чиқарган, элу-юртнинг бору-йўғидан хабардор, тинчлигимиз, хотиржамлигимиз, тотувлигимизнинг дуогўйлари қишлоқ оқсоқоллари – пиру-бадавлат кишилар улар.

Бўка туманидаги "Туркистон" ширкат хўжалиги бош хосилоти, эски қадрдоним Сафарали Сарибоев ҳамроҳлигида отахонлар даврасига қўшилдик.

Гап шундаки, Наврўз арафасида энг чекка қишлоқларда ҳам Наврўз сайиллари ўтказиладими, деган муаммо кўнглимда кўндаланг бўлиб қолди. Тўғри, биз шаҳарликлар борингки, вилоятимиздаги барча шаҳар ва туман марказларида байрам шодиёналари авжига чиқишини яхши биламиз. Одамлар тўп-тўп бўлишиб, Наврўз гаштини суришларини кўп марта кўрганмиз. Аммо, вилоятимизнинг чекка қишлоқларида Наврўз байрами қандай ўтказилади?

Бу саволим Сафаралига эриш туюлди шекилли, ширкат хўжалиги амалга ошираётган ишларни гапираётган жойидан тўхтатиб, "Юринг, бир жойга олиб бораман, менга ишонмасангиз кўпни кўрган, қарияларга ишонарсиз", деди йўл бошларкан. Шундай қилиб, биз ҳам отахонлар даврасига келиб қолдик.

Қариялар ўзаро гурунгни тўхтатиб, даврага қўшилган меҳмонлардан ҳол-аҳвол сўрашди. Узоқ-яқиндаги таниш-билишларининг тинчлиги, омонлигини суриштиришди. Сўнг яна гурунг давом этди.

...Мана Тошкентдан келган меҳмон баҳорги юмушларингиз ўринладими, техникангиз экиш мавсумига шайми, деб сўрамади.

Наврўзи олам яқинлашиб қолди, қани, йилбошини қандай кутиб олаяпсизлар, одамларга қандай ёрдам бераяпсизлар? Бу ерларда ҳам сайиллар, сумалак байрамлари ўтказиладими, деб сўради.

Ўзларингизга маълум, қилаётган ишимиз гапираётган гапимиз билан ҳамоҳанг. Юринг, дедим. Қани, оқсоқолларимизнинг олдига борайликчи, бир маслаҳат чиқиб қолар, деб меҳмонни ҳузурингизга бошлаб келдим. Бор гап шу...

Даврада қандайдир жонланиш пайдо бўлди. Кўпни кўрган қариялар бирдан жиддий тортиб қолишди.

– Наврўз дейсиз-да, меҳмон, – деди Умрбек ака соқолини тутамлаб. – Наврўз байрамини мана биз нишонлаймиз-да. Куни кеча маҳалладаги кампирлар сумалак солганини айтиб берайми? Мана, Сафарали гувоҳ. Ширкат хўжалигининг раиси Сайфиддин Сайдуллаевнинг шахсан ўзи биз кексаларни йиғиб, экиш олди маслаҳати ошини қилиб берди. Ҳаммамизни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади. Шунинг ўзи байрам эмасми? Нима дедингиз, оқсоқол?

– Тўғри, – суҳбатга қўшилди Қаршибой амаки, – эртага маҳалламизда катта сайил бўлади. Бориб ўз кўзингиз билан кўринг. Айтсам ишонмайсиз. Катта кураш бўлади. Катта шаҳарлик бўлмаса-да, ўзимизнинг хонандаларимиз бор. Ашула айтганда, эриб кетаман дейсан. Эй, нимасини айтайлик.

У кишининг гаплари ҳақ эканлигини кўпни кўрган қариялар "маъқул", "балли" дегандек бош чайқашди.

Суҳбат сўнгида:

– Қани, оғайнилар, шундай ишларга бош-қош бўлиб, ёшларимизга қайишадиган юрт эгаларини дуо қилайлик. Истиқлолимиз дунё тургунча турсин, омин! – дея дуога қўл очди Умрбек оқсоқол.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ.**




*Ободончилик*

## БАҲРИ-ДИЛЛАРНИ ОЧАР



***Бир зум тасаввур қилинг. Эрта тонгданоқ кўча эшик ҳудуди ёғ тушса ялагудек этиб супирилган, ҳовли рўяларидаги ранго-ранг гуллар, турфа райҳонларнинг муаттар иси анқиб турган хонадонда бўлдингиз. Бу манзарани кўриб дилингиз ўз-ўзидан равшан тортади, чеҳрангиз табассумдан ёришади. Бу биргина уйдан сиз олган баҳра. Агар бундай орасталик, кўркамлик ва файз бутун маҳаллада, туманда, шаҳарда бўлса-чи, у қанчадан қанча қалбларни қувончга тўлдиради.***

Истиқомат жойларини, қадами етган масканларни обод қилиш, чиройига-чирой қўшиш, аждодларимиздан қолган удум. Истиқлол йиллари ичида бу анъана янада ўзгача мазмун касб этди. Халқимиз кейинги авлодларга ўзидан озод ва обод Ватан қолдиришга бел боғлади.

Хўш, "обод" сўзининг туб маъноси нима? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида унга шундай шарҳ берилган: "Кўркам бинолар, чиройли кўчалар, гўзаллик касб этган, гуллаб-яшнаган боғу-роғлар".

Шу маънода олсак вилоятимиз қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда. Мустақиллик йиллари ичида қатор туманларда, олис қишлоқлар марказларида шарқона меъморий услубда қурилган тиббий, савдо, маиший хизмат шахобчалари мажмуидан иборат гузарлар барпо қилинди. Хиёбонлар, гулзорлар уларнинг жамолини очди. Паркент, Бўстонлиқ, Оҳангарон туманларининг тоғ ёнбағрларидаги ўзлаштирилган ерлар боғ-роғлар, тераказорларга айлантирилди.

Шуни айтиш керакки, бу йилги байрам муносабати билан вилоятимиз ҳудудларида ободончилик янада авж олди. Бу бежиз эмас. Наврўз – янгиланиш, яшариш фасли. Бу Янги кун мазмун моҳияти билан яратувчиликка, одамларни биргаликдаги меҳнатга даъват этувчи шодиёна ҳамдир. Унинг шарофати билан шаҳар ва туманлар ҳудудлари саранжом-саришталанди, дарахтлар оқланди, йўллар таъмирланди, истироҳат боғлари гўзаллашди.

Айёмга ҳозирлик жараёнида уюштирилган ҳашарлар, шанбаликларда саноат корхоналари, хўжаликлар, ташкилот ва муассасалар жамоалари фаол қатнашдилар. Бу айём олдидан эълон қилинган ободончилик ойлигида биргина вилоят коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмасига қарашли корхоналар томонидан 120 километрдан зиёд ариқ-зовурлар тозаланди. Бирнеча миллион сўмлик орасталаш ишлари бажарилди.

Байрам ёшлар учун ҳам ўзига хос имтиҳон бўлди. Улар шаҳар ва туманлар санитария ҳолатини яхшилаш, оромгоҳларни кўркамлаштириш бўйича "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими бошлаган "Ўз маҳаллангни ўзинг ораста тут, ўзинг обод қил", деган ташаббусда фаол қатнашмоқдалар. Жойларда тозалик бўйича назорат постлари ташкил этишга ёрдам беряптилар. Ҳар бир ўсмирнинг ўз ота-онаси, ака-укалари номидан ўн тупдан мевали дарахт экиш тўғрисидаги хайрли ишга ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани, айниқса, ибратлидир. Ана шу ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Паркент, Бўстонлиқ туманларида байрам арафасида кўплаб ниҳоллар ўтқазилди.

Хуллас, вилоятимизнинг қайси ҳудудида бўлманг, ўз қишлоғини, маҳалласи, хонадонини ўқув, иш жойини обод қилаётган одамларни кўриб, бу Наврўз шарофати дея ўзингизда йўқ қувонасиз.

**Саидвали ҲАСАНОВ.**




## БУЮК БОБОЛАР ДЕЙДИЛАР:

Ҳамал буржига кириб қолганда офтоб,
Жаҳон ёриб кетди, нурланарди об.
**Абулқосим ФИРДАВСИЙ.**

Гул чеҳрасида насими Наврўз хушдир,
Боғ саҳнида рухсори дилафрўз хушдир.
**Умар ҲАЙЁМ.**

Чечаклар кулдилар очилиб гул-гул,
Ерни ифор ҳиди тутибдур буткул.
**Юсуф Ҳос ҲОЖИБ.**

Эй юзунг боғи насимида ҳавойи Наврўз,
Лаъли тожинг бўлиб ул боғда бўстонафрўз.
Зулфу рухсор ила номимға мени еткурсанг,
Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсин Наврўз!
**Алишер НАВОИЙ.**

Эй, ёр санго Тангри таборак бўлсин,
Наврўз ила тоза йил муборак бўлсин.
**Муҳаммадризо ОГАҲИЙ.**

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоғлар.
**Мавлоно МУҚИМИЙ.**

*Халқ тақвими*

## КЕЛИШИ ФАРОВОНЛИКДАН НИШОНА

♦ Агар Наврўз душанба кунига тўғри келса – шу йили ёмғир кўп ёғиб, юртда тўқлик бўлади. Ғўза серҳосил, буғдойлар мўл ва мазали бўлади. Заифларнинг аҳволи яхшиланади.

♦ Наврўз сешанба куни кирса – йил шодлик билан ўтади. Одамлар ва ҳайвонларга маъмурчилик бўлади. Бу йилда неъматлар кўп, нархлар арзон бўлади.

♦ Чоршанба куни доҳил бўлса – полиз экинлари, хусусан, мош, ловия, тариқ кўпаяди.

♦ Наврўз пайшанба кунига тўғри келса – ўз вақтида қор, ёмғир кўп ёғади. Ҳунармандлар касбларидан хурсанд бўладилар. Савдо ишлари ҳам юришади.

♦ Жума кунига тўғри келса – юртда шодлик ва фаровонлик бўлади. Қиш узун ва қаттиқ совуқ, ёмғир кўп ёғади.

♦ Шанба кунига тўғри келса — ёмғир кўп ёғади. Кузги экинлардан яхши ҳосил олинади. Қиш узоқ давом этиб, қаттиқ совуқ бўлади.

♦ Якшанба куни кирса – неъматлар кўп бўлиб, юрт тўқликда яшайди. Йил бошида арзончилик бўлади. Шу йили экинларни эртароқ экмоқ лозим.

## СОҒИНЧ

Радиодан қўшиқ янграб қолди. Таваккал Қодиров куйларди:

***Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,***
***Дўстлар ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.***

Хонанда шундай берилиб куйлардики, худди Фурқат тирилиб келгану, унинг учун айтаётгандай...

Мавлоно Фурқатнинг ажойиб ғазаллари бисёр. Ўқиган сари мағзи чақилаверади, ташна диллар ором олаверади. Лекин улуғ шоирнинг икки ғазали борки, уларни соғинч меваси, худди гул япроғига қўнган тонгги шабнам дегим келади. Маълумки, Фурқат узоқ йиллар юртидан олисда, Ёркентда яшади. Неча баҳорларни ўша ерда кутиб олди. Ўша баҳор тонгларида шоир ўз шаҳри Қўқонни, Тошкентни унинг дилбар табиатини, бинафшасидан тортиб майсасигача соғинмаганмикин? Соғинган! Уни ушбу сатрлар ҳам исботлаб турипти:

***Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,***
***Гул уза томиб кам-кам, ёғди абру найсонлар.***

Ўша субҳидам тушган шабнам Фурқатнинг соғинч ёшлари. Ўша ҳуррам бўлган сабзалар қоғоз бўлса – ажаб эмас. Хўқанди латифни соғиниб, дилу бағри баҳор лоласидек тах-батах қон шоирнинг кўзидан тўкилган абру найсонлар тушган еридан гул ундирмайдими! Олис юртининг ҳажрида Фурқат хаёлида Қўқон боғларини, гулзорларини жонлантиради, эҳтирос билан ёзади:

***Настарин ювиб юзни, ёсиман тузиб ўзни,***
***Наргис очибон кўзни, интизор ёронлар.***

Ҳар баҳорда шу қўшиқ янграйди, ҳар баҳорда шоир Фурқатнинг уйғоқ руҳи юртимиз узра кезгандек ва ҳар лаҳза дилидаги ҳижронларини изҳор этаётгандек бўлади:

***Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,***
***Дўстлар ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.***

Соғинчли юракнинг абадий соғинч қўшиғи бу.

**Ғолиб МИРЗО.**



*Янги куннинг, янги авлодлари.*
*Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.*

## ГЎЗАЛ ФАСЛИНГ БОР

*Ҳар йилги меҳмон, ҳар йилги бўстон,*
*Ҳар йилги боғбон, ҳар йилги достон,*
*Гўзал фаслинг бор, мангу наслинг бор,*
*Сен гули баҳор, сен нури диёр.*

*Элда қўшиқсан, гулга ошиқсан,*
*Нозу-неъматли йилга бошлиқсан,*
*Гўзал фаслинг бор, мангу наслинг бор,*
*Сен гули баҳор, сен нури диёр.*

*Ассалом кўклам,*
*Наврўзи олам!*

*Ассалом кўклам,*
*Наврўзи олам!*

## КЎКЛАМ НАВОСИ

*Бошларга гул фаслини ёпон, далалар,*
*Алвони палагин ёзур лолалар,*
*Эл эрта уйғонур бундай паллалар,*
*Диёрга келганда Наврўзи олам.*

*Навбаҳор бошлайди гуллар тўйини,*
*Чаманлар фарахбахш, хушлар бўйини,*
*Боғларда тарона, қушлар ўйини,*
*Диёрга келганда Наврўзи олам.*

*Она ер куйлайди кўклам навосин,*
*Симирар кўнгиллар хушбўй ҳавосин,*
*Миришкор безайди замин дунёсин,*
*Диёрга келганда Наврўзи олам.*

*Сайқалдир виқорли тоғу тошлар ҳам,*
*Руҳ енгил, тоғлардай баланд бошлар ҳам,*
*Яшарар кексалар, ўктам ёшлар ҳам,*
*Диёрга келганда Наврўзи олам.*

**НАЗАРМАТ.**

# ЗАРРИН ВАРАҚЛАР

***Наврўз Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг кўҳна байрамларидан бири. У одамларни ҳаётдан баҳра олишга, бир-бирининг қадрига етишга чорлаб келган. Оламдаги барча жонзотлар – қурт-қумурсқадан тортиб, паррандаларгача – бу улуғ айёмни олқишлаб, ўз лисонида шукроналар айтади. Уйғониш фасли бўлган Наврўз хусусида Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Малик Муродов билан бўлган суҳбатимиз ҳам бундан мустасно эмас.***

**– Малик ака, сиз ярим асрлик ижодий йўлингизда юрт кезиб, одам таниб, халқимизнинг ноёб қўшиқ, айтимлари, эртаклари, ривоятлари, суҳбатларини йиғиб келяпсиз. Қадимий ва навқирон табаррук айёмимиз Наврўз ҳақида муштарийларимизга сўзлаб берсангиз.**

– Доно халқимиз донишмандномаси қатламларида ўнлаб, юзлаб ибратли, ҳаётимизда юксак аҳамиятга молик саҳифалар бор. Улардан бири – байрам, сайиллардир. Булар орасида табиат янгиланиши, йил алмашуви билан боғлиқ Наврўзи олам ҳам мавжудки, унинг маънавий-маърифий, аҳлоқий-руҳий тарбияда, хусусан, ақл камолотидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Дарҳақиқат, Наврўзи олам – байрамларнинг онасидир. Балки, бошқа барча байрам-сайиллар, шу ҳаётий ва илоҳий байрамдан бошлангандир? Бундай дейишимга маълум сабаблар бор, албатта. Аввало, Наврўзнинг ота-боболаримиз анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, ҳаётий тушунчалари, синоат-тажрибалари, хулосалари, ҳатто мифологик қарашлари-ю, тўрт унсур ҳақидаги тасаввурлари ниҳоятда бой. Иккинчидан, унда турли миллат, турли мазҳаб кишиларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маънавий тушунчалари мукаммал акс этган. Шу жиҳатдан Наврўз кўпчилик халқлар учун миллий, айни чоғда умуминсоний қадриятларни ўз бағрига олган, уларни кўз-кўз қилувчи қомусий байрамдир. Наврўз ҳақидаги афсоналар, қатор ривоятларга тўхталиб ўтирмайман. Улар ҳақида Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём сингари алломаи кироmларнинг китобларида ёзилган, кўп бора чоп этилган. Қисқаси, Наврўз – сув бўйларида қошларига ўсма қўяётган, сочпопук таққан санамларнинг, дошқозон теварагида сумалак кавлаётган, ҳалим тайёрлаётган оналаримизнинг айёмидир. Наврўз – биридан-бири гўзал улоғу кўпкари, курашу чавгонбозлик, тортишмачоғу баҳри байтлар байрамидир. Наврўз – лолалар ишқида қирма-қир чопган болаларимизнинг шодон қийқириғидир. Наврўз – далага илк бора эгат солган бободеҳқондир. Қисқаси Наврўз энг файзли, энг шукуҳли кунларимиздир.

**– Наврўзнинг биринчи элчиси – бойчечак ҳақидаги қўшиқлар-у шодиёнанинг бетакрор удумлари хусусида тўхталсангиз.**

– Қадим-қадим замонларда бойчечаклар ҳам барча гуллар қатори очилар экан. Лекин бунга ҳеч ким эътибор бермас экан. Алам тортган бойчечак Йилбободан ҳаммадан олдин очиламан, деб илтимос қилибди. Йилбобо ҳам: "Қишнинг қировли кунларидан қўрқмайсанми?" деб сўрабди. Йўқ, дебди бойчечак. Шу тариқа бойчечак ер юзида энг олдин очиладиган бўлибди. Буни қарангки, у Наврўздан даракчи ҳам экан. Мана бу қўшиқ сўзларимни тасдиқлайди.

*Бойчечак чиқибди бугун*
*Наврўз экан,*
*Ҳамма бир-бирига жигаргўш*
*экан,*
*Олам баббаробар*
*кеча-кундуз экан,*
*Бойчечак чиқибди бугун*
*Наврўз экан.*

Асрлар давомида инсонлар қалбига нур, кайфият олиб кирган, ҳаётга мунавварлик бағишлаган "Сумалагим, сумалак", "Бойчечак чиқибди", "Ёмғир ёғдир кўл бўлсин", "Чаккангга гул тақ, чаккангга", "Ариқ бўйида ялпиз", "Офтоб чиқди оламга", "Ёмғир ёғалоқ", "Қалдирғоч, эшигингни оч-оч", "Лайлак келди, ёз бўлди", "Турналар, биз томонга келинглар", "Ҳай-ю читти гул" каби қўшиқлар ҳозир ҳам севиб куйланади.

Наврўзнинг удумлари, расм-русумлари ниҳоятда сероб. Уларнинг қай бирини айтай. Бир-иккита мисол келтиришим жоиз.

Наврўз куни туғилган гўдакнинг исми, албатта, Наврўзбой ёки Наврўзой бўлган. Наврўз куни энг аввало ота-оналарни, қарияларни, ҳурматли оқсоқолларни зиёрат қилинган. Ўтган кишиларнинг энг яхши хислатлари ёд этилган...

*Дилкаш суҳбатлар*

Удумларнинг қамрови жуда ҳам кенг. Уларда халқимизнинг то ҳануз барҳаёт анъаналари намоён бўлиб туради.

**– Наврўз номини тилга олганимизда, сумалак ва ҳалимнинг хушбўй мазасини тилимизда туйгандек бўламиз...**

– Сумалак жамоа бўлиб, катта ихлос ва орзу-умидлар билан тайёрланган. Сумалак пишириш савобталаб кишилар томонидан яхши ният асосида амалга оширилган. Таом тайёрланган катта қозондан ялаганлар бир-бирларига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан. Наврўз сумалаги сотилмаган, сотиб олинмаган. Бу гуноҳи азим ҳисобланган. Ҳасан-Ҳусан, Фотима-Зуҳра кўрган, яъни эгизак фарзандли хонадон табаррук ҳисобланиб, униб-ўсаётган фарзандларига атаб оила аъзолари Наврўзнинг кириб келиши билан сумалак пишириб, маҳалла-кўйга тарқатганлар. Сумалак пиширилаётган катта қозон ёнига ёмон ниятли кишилар яқинлаштирилмаган. Чунки биби Фотима онамиз бу ишда бошқош, малоикалар эса осмону фалакда туриб кузатишар экан, қозонга меҳр-мурувват, оқибат, яхшилик, эзгулик уруғини сочиб турар эканлар. Холис ниятлар, савобталаб кишилар таоми – сумалак пишираётганларнинг мудрашга ҳам рағбати бўлмас экан. Мабодо ухлаб қолишса, фаришталар қозонга туз ташлаб кетишар экан. Фарзанди бўлмаган ёхуд фарзанд кутаётган аёлларнинг қўлига унган буғдой майсасидан тутишган. Улар уни қулоқларига тақиб олганлар.

Бундай расм-русумлар ҳалим ҳақида ҳам бор. Айтаверсак, тонг отмас, кун ботмас.

**– Наврўзнинг яна ўзига хос жиҳатлари борми?**

– Жуда кўп. Гул сайли, лола сайли, сумбул сайли сингари анъаналар фикримизга мисол бўла олади. Айниқса, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент, Келес туманларида лола сайли жуда кенг тарқалган. Сайлда ёшу қари баравар иштирок этади, табиатнинг бағрида ҳамма қувнаб, лолани кўзга суртиб, сомонлик-сомонлик қилади.

**– Малик ака, бу йилги Наврўзда янги илмий экспедицияга бошчилик қилаётган экансиз. Унинг мазмун-моҳияти қандай?**

– Бу йил – "Соғлом авлод йили". Бу сўзнинг қамрови жуда теран. Унинг мазмунида халқ донолиги-ю, ҳақиқат ва адолат, маънавият ва маърифат, маданият ва қадриятлар ётади. Бир гуруҳ олимлар, полвонлар, чавандозлар иштирокида ота-боболаримизнинг анъаналарини чуқурроқ ўрганиш ниятида "Соғлом авлод – теран томирлар" шиори остида Ватанимиз қишлоқ ва шаҳарлари бўйлаб экспедиция ташкил этдик. Ўз олдимизга катта ва муҳим вазифаларни қўйганмиз. Яъни, полвонлар, чавандозлар, халқона енгил ва оғир атлетиканинг машҳур намоёндаларининг ибратли ҳаётларини ўрганиш, донг таратган аждодларимиз ҳақидаги ҳаётий-воқеавий ҳикоялар, достонлар, нақлларни тўплаб, уларни китобларга жамлаш. Зукко халқимизнинг соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ хазинасида бугун ва эрта учун ҳам жуда зарур бўлган, ўрганишга, ҳаётга татбиқ этишга арзигулик лаҳзалари беҳисоб. Биргина улоқ ва кўпкарини олинг. Бу ҳақда жилд-жилд китобларга жо бўладиган ривоят ва ҳикоятлар бор. Экспедиция иш режасида моҳир мерганлар, овчилар, тош кўтарар полвонлар, миллий халқ ўйинларининг усталари ва бошқалар ҳақида маълумотларни қўлга киритиш ҳам бор. Мақсадимиз – ўсиб келаётган ёшлар орасидан етишиб чиқаётган полвонларни аниқлаш, уларга назарий ва амалий ёрдам кўрсатишдир.

**– Жуда ҳам савоб ишга бел боғлабсизлар. Экспедицияни муваффақиятли якунлашда сизга куч-қувватлар, ижодий омадлар тилаб қоламиз. Халқимизнинг Наврўзидай қадимий байрами арафасида буюк боболаримиз руҳи ҳамиша ёр бўлсин.**

***Суҳбатдош: Темур УБАЙДУЛЛО.***

*Пазандаси – ўзингиз*

## ҲАМ ТАНСИҚ, ҲАМ ШИФО

*Баҳорги иқлим ва ҳарорат ўзгариши билан одам вужудида толиқиш юз беради. Асосийси, қиши қишда дармондорили таомларни кам истеъмол қилади, шу туфайли баҳорда, халқ нақли билан айтганда "илик узилди"да толиқади киши. Кўклам палласида қон таркибида фойдали моддалар камайган, асаб ҳам бўшашган, юрак-қон томирларида бир қадар ўзгаришлар юз берган бўлади. Баҳорги толиқиш май ойига бориб йўқолади. Бу вақтгача янги мева-чевалар, сабзавот ва кўкатлар истеъмол қилинади.*

### КЎК ЧУЧВАРА

қиймаси отқулоқ, жағжағ, йўнғичқа, шўра, ялпиз, исмалоқ, момақаймоқ, кашнич, кўкпиёз, оқпиёз, жизза ёки карт думба аралашмасидан тайёрланади. Барча масаллиқлар майдаланади, туз ва мурч қўшиб аралаштирилади, сўнг қозонда қовуриб олинади. Тайёрланган қийма тугилади ва гўштли чучвара каби пиширилади. Тайёрланган таомни сариёғга буласангиз соз бўлади.

### КЎК ПАТИР

тайёрлаш учун ялпиз, отқулоқ, жағжағ, йўнғичқа, момақаймоқ, барра беда ва бошқа кўкатлар ювилади, майдалаб бироз туз аралаштирилади. Қийма устига иссиқ сув қуйилиб, икки-уч соат тиндирилади. Сўнг кўк қийманинг суви сузиб олинади, кўки эса озгина ёғда қовурилади. Кўк сувига қорилган хамир ошгач, ҳоҳишга қараб катта-кичик зувалачалар узиб олиниб, патир ясалиб, тандирда пиширилади. Кўкпатирнинг хамири учун 1 кило ун, 2 стакан кўкатлар суви, 50 грамм хамиртуруш, 2 чойқошиқ туз, таъбга кўра ёғ керак бўлади.

### КЎК СОМСА

қорилган хамир ошгач, зувалачалар узилиб, катта пиёла оғзидек жилдлар ясалади. Сўнг ҳар бир жилд ичига кўк қиймадан бир-икки ош қошиқдан солиб, учбурчак, тўртбурчак ёки думалоқ шаклида тугилади.

Масаллиқ хамирига – 50 грамм ун, бир стакан илиқ сув, жиндай хамиртуруш, бир чой қошиғида туз зарур. Қиймасига ҳар хил кўкатлардан бир боғдан, 200 грамм жизза, бир чой қошиғида туз, бир чой қошиғида мурч қўшилади.

Иштаҳангиз очилсин, азизлар!

**Газетанинг навбатдаги сони 25 мартда чиқади.**




Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 18–22 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Эрталаблари ва кечқурунлари туман тушиши мумкин. Шарқдан эсган шамолнинг тезлиги ҳар сонияда 7–12 метрга етади. Ҳарорат кечалари 3 даража совуқ, 2 даража илиқ, кундуз кунлари 9–14 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 244-ўрта мактаб томонидан Аҳмадалиев Ойбек Ҳайдаралиевич номига берилган UZ A №092547 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Лариса қўшув» хусусий фирмасининг йўқолган
**ДУМАЛОҚ МУҲРИ ВА ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Тошкент ҳақиқати" таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
**Насрулло ҲИКМАТУЛЛАЕВнинг**
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА
МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

### ТАШАББУС БИЛАН – ВАШИНГТОНГА

● МИСР Араб Республикаси президенти Муҳаммад Хусни Муборак 25-29 март кунлари АҚШга қиладиган расмий ташрифи чоғида Яқин Шарқ минтақасини оммавий қирғин қуролларидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурмоқчи. Бу гапларни давлат бошлиғининг сиёсий маслаҳатчиси Усама ал-Боз маълум қилди.

### 250 ЎРИНГА 600 ДАЪВОГАР

● 27 МАРТ куни Ироқда парламент сайловлари бўлиб ўтади. Унда 10 миллион ироқлик иштирок этиши кутилмоқда. 250та депутатлик ўрни учун қарийб 600 нафар номзод кураш олиб боради.

### БАЙРАМ ШАРОФАТИ БИЛАН

● ҚУРБОН ҳайити шарофати билан Мисрда 300 нафар маҳбус қамоқхоналардан озод этилди. Улар илгари мутаассиб гуруҳларга аъзо бўлгани, ҳукуматга қарши фаолият юритгани учун ҳарбий трибунал томонидан қамоқ жазосига маҳкум этилган эдилар. Мамлакат ички ишлар вазири Ҳабиб ал-Одилий жами 1 мингга яқин одам озод этилажаклиги ҳақида қарор қабул қилди.

### ШУБҲА БОР, АММО...

● ТОЖИКИСТОН телекўрсатуви бу ердаги россиялик чегарачиларни Афғонистондан гиёҳванд моддалар олиб ўтувчи жиноятчилар билан шериклик қилишликда айблади. "Изтироб" кўрсатувида Тожикистон махфий хизмати ходимларининг Парҳар туманида катта миқдордаги героинни қўлга туширгани намойиш қилиниб, мамлакат сарҳадлари Россия аскарлари томонидан ишончли тарзда ҳимоя этилаётганлигига шубҳа билдирилди. Россия чегара қўшинлари қўмондонлиги юқорида билдирилган гумонларни рад этди.

### ЧЕКИШ КЕРАКМИ, ЙЎҚМИ?

● ЖАҲОН Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маърузаномасида ғалати рақамлар келтирилди. Жумладан, Буюк Британияда 11 миллион, Швецияда 400 минг, АҚШда 60 миллион кашанда бор экан. Лекин, 2000 йилни чекишга қарши кураш йилига айлантириш саъй-ҳаракатлари айни кунларда тобора авж олмоқда. Буюк Британияда "Тўхтатишни тўхтатманг", Швецияда "Чекувчилар 20 фоиздан ошмасин", АҚШда "Ақл ва суиодат" деб номланган тадбирлар ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган чекишга қарши ташвиқот-тарғибот ишлари натижасида кўпчилик зарарли одатдан қутулишга жазм қилаётирлар, дейилади ЖССТнинг якуний маърузасида.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

*Ривоятлар ва ҳикоятлар*

## МАЪНИСИ – ЯШИЛ БЎЛУР

Хўжа Хизр ҳақидаги ривоят жуда кенг тарқалгани рост. Кекса қарияю кампирларимиз фарзандларини дуо қилишганда: "Илоҳо, Хўжа Хизр бувам қўлласинлар", деб тилак тилашади. Аллоҳнинг марҳамати билан абадий тириклик ато этилган Хўжа Хизр дунёни кезиб юраркан, у фақат иймон-эътиқодли, дили пок одамларга йўлиқаркан, унинг назари тушган киши бахтли-омадли бўларкан, ишлари юришаркан. "Агарда Хўжа Хизрнинг назари тушмаса молбозорда даллол ҳам бўлиш қийин", деган маталнн ҳам эшитганим бор. Яна қишлоғимда қўл олиб сўрашганда, кишининг бош бармоғини сиқиб кўришадиган одамларни ҳам биламан. Эмишки, Ҳазрати Хизрнинг бош бармоғининг суяги йўқ, юмшоқ бўлармиш, уни шу белгисидан таниб олиш мумкин эмиш.

Булар – афсонавий табаррук инсон ҳақидаги ҳаётда кўрган-билганларим. Энди азиз-авлиёлар ҳақидаги қадимий китоб – "Қисаси Рабғузий"да ўқиганларимга келайлик. Бу китобда Хизр ҳақида икки жойда ҳикоя қилинади. Бирида у доно, билимдон авлиё сифатида нақл этилади, пайғамбар Мусо алайҳиссалом ундан билим ва инсоний ҳикматларни ўрганади. Иккинчи ҳикояда эса Хизр ҳақида шундай дейилади: "Хизр маъниси яшил бўлур. Қаю тош уза Хизр алайҳиссалом ўлтурса, ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди. Айтмишлар: қаю ерда ўлтурса ул ер кўкарур эрди. Баъзилар айдилар – ялавоч эрмас, солиҳ, муслиҳ (яхшилик қилувчи) эрди. Тағи сайрамлиғ. Бани Исроилда улғарди. Мангу суйин ичиб тирик қолди".

Тарих-тарихлардан қолган бу маълумотларни ўқиб ҳайратдан ёқамни ушлайман: Хўжа Хизр бизнинг ҳамюртимиз – Сайрамдан эканлар. Яна – қаерга борса, шу ерни яшнатган, тоғу тошларга, саҳроларга яшиллик бахш этар эканлар. Дарахт экиш, уруғ сочиб, ер юзини яшнатиш бу бобомиздан мерос қолган экан. Демак, бу афсонавий ҳикоядан мақсад ота-боболаримизнинг биз – авлодларга: "Тер тўкиб меҳнат қил, ер юзини яшнат, шундагина ўлмайсан, номинг абадий қолади", деган буюк насиҳати, васияти эмасмикин?

Азиз ўқувчим, ҳеч қачон эсдан чиқарманг – Хизрнинг маъниси – яшиллик дегани. Ер юзини яшнатинг, табиатни асранг, бундан ортиқ савоб иш йўқ. Ана шундагина мангуликка дахлдор бўласиз!

## ЯНГИ КУН

Абулқосим Фирдавсий ўз "Шоҳнома"сида Жамшиднинг подшолик салтанати ҳақида шундай деб ёзган:

***Ишлари гуриллаб берганда мева,***
***Яна улуғликни айлади шева.***
***Баланд тахт қурдирди, бари сийму зар,***
***Шукуҳи каёний, безаги гавҳар.***
***Барча жаъм, одамлар қарар тахтига,***
***Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига,***
***Жамшидга сочишар олтину гавҳар,***
***Шу кунни Янги йил – байрам дейишар.***

Бу манзарани шундай тасаввур қилиш мумкин: илк подшо инсонлар орасида кийим киймоғу ва бошқа қатор зарурий тартибларни жорий қилди ва ўзи шу инсонларнинг баркамоли, раҳбари сифатида тахтга ўтирди. Унинг салобати, ақли, ҳусни, камолоти барчага манзуру машҳур. Яъни, инсон – ўзининг инсонлигини англаб етган кун – Наврўз – Янги кун бўлган. Бу табаррук байрамни ҳар йил шоду хуррамлик билан нишонлар эканмиз биз ҳам ўзимизнинг инсон этиб яралганимизга шукроналар айтиб, инсонийлик йўлини янада маҳкамроқ ушламоғимиз шарт. Наврўз – янги кун бизни янги довонларга, меҳнат, ижод, яратиш, тинчлик, дўстлик, тараққиёт ва камолот кунларига ҳамиша бошлайверсин, ундайверсин.

***Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:*
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

*Бош муҳаррир*
***Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ***

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:*
*хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48*
*Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.*

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-185. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 14.669 нусха.

*"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.* *Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.45. 1 2 3 4 5 6